



**“ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМГАРМАСИ
ФАОЛИЯТИ ВА СТИПЕНДИАТЛАРНИ
ТАНЛАБ ОЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
ТАРТИБИ БЎЙИЧА
101 САВОЛГА 101 ЖАВОБ**

ҚЎЛЛАНМА

МУҚАДДИМА

Янги Ўзбекистон – келажакка интилаётган улкан саноат, энергетика, кишлоқ хўжалиги, коммуникация, минерал хом ашё, айниқса интеллектуал ва инсон ресурсларига эга бўлган истиқболли мамлакатdir.

Бугунги кунда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар даврида замонавий билим, малака ва тажрибага эга бўлган, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари, таълим, соғлиқни сақлаш ва келажак инновацияларини белгилаб берувчи таянч соҳаларда самарали фаолият олиб боришга муносиб бўлган, ташаббускор ва креатив фикрлайдиган мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг кескин ортишига олиб келди.

Мазкур ниҳоятда муҳим эҳтиёжни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги Фармони билан Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва давлат фуқаролик хизматчилари салоҳиятини ошириш бўйича “Эл-юрт умиди жамғармаси ташкил этилди.

Жамғармасининг асосий мақсади – ёш, иқтидорли ва истиқболли кадрларни хорижда мақсадли равищда тайёрлаш; Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатдаги кенг қамровли ислоҳотларга ҳар томонлама кўмак бериш мақсадида хориждаги ватандошлар билан мунтазам мулоқот ўрнатиш, олий таълим, илмий-тадқиқот, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда халқаро ҳамкорлар билан инновацион лойиҳаларни қўллаб-кувватлашдан иборат.

Ҳар йили Жамғарма томонидан эълон қилинадиган очиқ стипендия танловларида вазирликлар ва идоралар мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, асосан, ёшлар фаол иштирок этиб келмоқда.

Шу ўринда, 2018 йилдан бугунги кунга қадар 1781 нафар стипендиатнинг 45 га яқин давлатларида, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада, Италия, Испания, Жанубий Корея, Хитой ва Россия каби илфор мамлакатларнинг 320 дан зиёд университетлари, илмий марказлари ва нуфузли хорижий ва халқаро компанияларда таълим олиши ва тажриба орттиришини ташкил этиб келмоқда.

Айни вақтда хорижий давлатларнинг нуфузли университетларида, жумладан University of Oxford, University of Cambridge, University College London, Imperial College London, Columbia University, Cornell University ва бошқа университетлар ва илмий марказларда жами 504 нафар стипендиатимиз, жумладан, бакалавриат дастурода 251 нафар, магистратурада 162 нафар ва докторантурада 91 нафар йигит-қиз замонавий билимларни эгалламоқда.

Республика вазирлик, идора ва ташкилотларнинг хорижда тайёрланган кадрлар, шунингдек, республика ёшларининг хорижда таълим олишга бўлган эҳтиёжи йилдан йилга ошиб бормоқда.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига асосан Жамғарма таълим дастурлари бўйича хорижга таълим олиш учун юбориладиган ёшлар ва мутахассислар сони йилдан-йилга оширилиб, 2021 йилдаги **350 нафар** ўриндан 2026 йилга келиб **700 нафарга** етказиш режалаштирилмоқда.

Жамғарма олдида турган ниҳоятда масъулиятли, ва шу билан бирга жуда шарафли вазифаларни ҳаётга татбиқ этилиши бошланди. Бу йўлда биз, албатта, дунёнинг энг етакчи университетлари, илмий марказлари, йирик хорижий компаниялари ва агентликлари, халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатамиз.

Мазкур қўлланма “Эл-юрт умиди” жамғармасининг стипендия танловига хужжат топшириш, унда иштирок этиш ва хорижда таълим олиш ҳамда Жамғарма стипендиатларига қўйилган талаблар бўйича асосий ва муҳим саволларга тўғри ва батафсил жавоб топишга ёрдам беради деган умиддамиз.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси бугунги кунда республиканинг иқтидорли ва истиқболли ёш мутахассисларини хорижда мақсадли равищда тайёрлаш ишларини ривожлантириб боришда давом этади.

МУНДАРИЖА

1. “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳақида	3
2. Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари	4
3. Стипендия квотасини тасдиқлаш ва танловни эълон қилиш.....	6
4. Стипендия танловлари ўтказиш тартиби, йўналишлари ва талаблари	9
5. Стипендия танлови ғолибларини аниқлаш ва эълон қилиш	18
6. Стипендиатнинг хорижда ўқишини ташкил этиш ва молиялаштириш ...	21
7. Хорижда таълим олишнинг тугаши ва Ўзбекистонга қайтиш	23
8. Стипендиатни ишга жойлаштириш, уни меҳнат фаолияти ва карьераси ўсиши мониторинги	26

1. “ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ҲАҚИДА

1. “Эл-юрт умиди” жамғармаси қачон ташкил этилган?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида 2018 йил 25 сентябрда Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма деб юритилади) ташкил этилди.

2. Жамғарманинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

Республика ҳудудларидан ёшлар ва давлат хизматчиларини ривожланган хорижий давлатларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш;

профессионал, чуқур билимга эга ва замонавий фикрлайдиган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этишга қўмаклашиш;

хорижда истиқомат қилаётган, илфор билим ва бой тажрибага эга бўлган ҳамда профессионал фаолият юритаётган ватандошлар билан доимий мулоқот ўрнатиш;

хорижий таълим ва бошқа ташкилотлар, олимлар ва эксперталар, шунингдек, ватандошлар билан ҳамкорликда масофавий таълим дастурлари, ўқув курслари ва амалий лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Жамғарма фаолияти қайси ҳуқуқий-норматив хужжатлар билан тартибга солинади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрдаги ПФ-5545-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3982-сонли “Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги ПҚ-4091-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасининг дастурлари бўйича кадрларни ўқитишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сонли “Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

4. Жамғарманинг ҳудудий филиаллари борми?

Хозирги вақтда Жамғарманинг ҳудудий ва хорижий филиаллари мавжуд эмас. Хозирги вақтда Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари билан ҳамкорлик қилади.

5. Жамғарма биноси қаерда жойлашган?

Жамғарма Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-йй (“Ўзавтосаноат” АКнинг З-қавати) манзилида жойлашган.

2. ЖАМҒАРМАНИНГ ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ДАСТУРЛАРИ

6. Жамғарма стипендиялари қайси дастурлар учун ҳамда қандай муддатларга ажратилади?

Жамғарма стипендиялари белгиланган тартибда Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган таълим дастурларига мувофиқ етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда қуидаги дастурлар бўйича таълим олиш учун ажратилади:

докторантурा (аспирантурা) – 3-4 йилга қадар;

магистратура – 1-2 йилга қадар;

бакалавриат – 3-4 йилга қадар.

Айрим ривожланган давлатлар таълим муассасаларида бир йилгача бакалавриатга тайёрлов курслари (Foundation year/course) харажатлари Жамғарма томонидан молиялаштирилиши мумкин. Бунда, тайёрлов курси ва бакалавриатда ўқишнинг умумий муддати 4 йилдан ошмаслиги лозим.

Докторантурा (шу жумладан аспирантуре орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) даражасини олиш учун), магистратура ёки бакалавриатда таълим олиш тегишли хорижий мамлакатларнинг таълим, илмий ёки бошқа муассасалари томонидан қабул қилинган стандартлар, талаблар ва ўкув режаларига мувофиқ амалга оширилади.

7. Жамғарма хорижда ординатурада таълим олиш учун ҳам стипендиялар ажратадими?

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсияси ва Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ республика учун алоҳида аҳамиятга эга тиббий мутахассисликлар бўйича икки йилгача клиник ординатурани ўташ учун стипендиялар ажратилиши мумкин. Бунда клиник ординатурага магистратура дастури бўйича ўқишнинг ўзига хос шакли сифатида қаралади.

8. Жамғарма стипендияси қандай харажатларни қоплашга йўналтирилади?

Жамғарма стипендияси қуидаги харажатларни қоплаш учун ажратилади:

- хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасалар, вазирликлар, ишлаб чиқариш, инновацион компаниялар ҳамда бошқа ташкилотларда Стипендиатнинг бакалавриат, магистратура ёки докторантурада ўқиши қиймати тўлови;
- Стипендиат томонидан визалар олиш;

- Стипендиатнинг барча турдаги транспорт воситалари билан таълим олиш жойигача бўлган йўлкира харажатлари (иккала томонга, кўпи билан йилига бир марта);

- бакалавриат, магистратура ёки докторантурада таълим олиш даврида Стипендиатнинг яшаш, овқатланиш ва транспорт харажатлари;

- зарур ўқув ва илмий адабиётларни харид қилиш, шу жумладан дарсликлар сотиб олиш, Стипендиат таълим олаётган хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса талабларига биноан илмий мақолалар чоп этириш, илмий мақолаларни кўчириб (электрон тарзда юклаб) олиш, мақолалар ҳамда илмий адабиётларнинг электрон базасига обуна бўлиш;

- хорижда бакалавриат, магистратура ёки докторантурада таълим олиш даврида Стипендиатни тиббий сұғурталаш;

- Жамғарма Васийлик кенгashi қарорига кўра Стипендиатнинг хорижда таълим олиши билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлари.

9. Стипендиатга ажратиладиган харажатларнинг микдори чекланганми?

Хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш даврида битта Стипендиатга ажратиладиган харажатларнинг чекланган микдори Жамғарманинг Васийлик кенгashi томонидан белгиланади.

10. Жамғарма маҳаллий ОТМлар талабалар амалиётини ёки шунга ўхшаган дастурларни молиялаштирадими?

Жамғарма стипендияси орқали хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олишни молиялаштиради. Талабалар амалиёти ёки шунга ўхшаган дастурлар Жамғарма томонидан молиялаштирилмайди.

11. Жамғарма ҳисобидан хорижда стажировка ўташ ва малака оширишни молиялаштириш имкони борми?

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг буюртмасига асосан хорижда кадрлар малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишини ташкил этади, лекин молиялаштирумайди.

Бунда буюртма берган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Давлат бюджетида назарда тутилган мақсадли маблағлар, буюртмачиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

12. Ўзбекистонда очилган хорижий университетлар ва қўшма дастурларининг бакалавриат, магистратура ва докторантурасида Жамғарма ҳисобидан таълим олса бўлами?

Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган хорижий университетлар, маҳаллий олий таълим муассасаларда хорижий университетлар билан ҳамкорликда очилган қўшма факультет ва дастурлар, шунингдек талабалар алмашинуви (student exchange) дастурларида таълим олиш Жамғарма томонидан молиялаштирилмайди.

13. Ўзбекистондаги олий таълим муассасасининг бирон бир босқичида таълим олиб туриб, ўқиши қолган қисмини Жамғарма стипендияси орқали хорижий университетда давом эттираса бўлами?

Жамғарма стипендияси хорижий давлатда тўлиқ таълим олиш учун ажратилади, бунда бакалавриатда таълим олиш - 3 йилдан 4 йилгача; магистратурада таълим олиш - 1 йилдан 2 йилгача; докторантурда (аспирантура)да таълим олиш - 1 йилдан 4 йилгача бўлиши керак.

Ўқиши кўчириб давом эттириладиган ҳолда Жамғарма томонидан стипендия ажратилмайди ва молиялаштирилмайди.

14. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар кадрларининг хорижда малакасини ошириш, уларнинг стажировкадан ўтишини ташкил этиш қайси тартибда амалга ошириллади?

Давлат хизматчилари ва мутахассисларни вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича стажировкадан ўтиш дастурларига юбориш республика вазирликлари, идоралари ва бошқа ташкилотларнинг мақсадли буюртмаси асосида амалга оширилади.

Ушбу дастур Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан тасдиқланган ““Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан вазирлик, идора ва ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буюртмалари асосида истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалга ошириладиган стажировкадан ўтишини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом”га асосан амалга оширилади.

3. СТИПЕНДИЯ КВОТАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ВА СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

15. Қуйидаги тушунчаларнинг моҳияти нимада: таълим дастурлари, буюртма портфели, танлов йўналишлари, классификатор, билим соҳалари, таълим соҳалари, мутахассислар ва устувор мутахассисликлар?

Таълим дастурлари – хорижий давлатларда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олиш учун ташкил этиладиган дастур.

Буюртма портфели – Жамғарма томонидан давлат ва давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларнинг таълим дастурларига бўлган реал эҳтиёжи асосида шаклланадиган ўринлар сони (квота).

Классификатор – давлат таълим стандартига жавоб берадиган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг билим хамда таълим соҳалари кесимида тизимлаштирилган рўйхатидир.

Билим соҳалари – олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг таълим соҳалари кесимида тизимлаштирилган рўйхатидир.

Таълим соҳалари – олий маълумотли кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхатидир.

Мутахассислик – ўқув режалар ва фанлар дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланадиган касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи билимлар, ўқувлар ва кўникмалар комплекси.

Устувор мутахассисликлар – бугунги кунда мамлакат ва турли тармоқлар тузилмалар фаолияти ҳамда ривожи учун зарур бўлган мутахассисликлар рўйхати.

Хар йили Жамғарма томонидан стипендия квоталари билан бирга устувор мутахассисликлар рўйхати шакллантирилади ва эълон қилинади. Жорий йилда аниқланган устувор мутахассисликлар рўйхати 1-иловада кўрсатилган.

Танлов йўналишлари – вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг ва бошқа давлат бошқаруви органларининг функция, тузилма ҳамда фаолият олиб бориш соҳаларидан (спецификасидан) келиб чиқиб, қуйидаги категориялар кесимида стипендия квоталарининг ажратилиши назарда тутилади:

- давлат ва жамият бошқаруви;
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳаси;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳалар;
- иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари.

Бу тизим барча давлат органлари ва ташкилотларини Жамғарма орқали хорижда таҳсил олган мутахассислар билан таъминлашга қаратилган. Яъни бунда, квоталар фақат маълум бир тузилмаларга йўналтирилиши олди олинади, аксинча барча тузилмаларга йўналтирилиш учун ажратилади.

16. Танлов йўналишини танлашда нимага эътибор бериш керак?

Стипендиат қайси танлов йўналишини танлаган бўлса, келажакда Жамғарманинг таълим дастури орқали хорижда таълим олиб қайтган ўша категорияга киритилган вазирлик, идора ёки ташкилотда ишлаб бериш мажбуриятини олади.

Давлат ва жамият бошқаруви танлов йўналишини танлаган Стипендиат келажакда вазирлик, қўмита, агентлик (давлат бошқаруви ёки давлат ва хўжалик бошқаруви органи), маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ҳамда маҳалла идораларида;

Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини танлаган Стипендиат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган, суд тизими ташкилотлари ёки давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширувчи органда;

Таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий соҳалар танлов йўналиши Стипендиати Республика олий, ўрта, мактабгача таълим муассасалар, вилоят, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашма ва поликлиникалари, санъат ва спорт муассасаларида;

Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари танлов йўналишини танлаган Стипендиат давлат улуси мавжуд иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, акциядорлик жамият ва компаниялар ҳамда тижорат банкларида ишлаб бериш мажбуриятини олади.

Танлов йўналишлари бўйича категорияга ажратилган ташкилотлар рўйхати қўлланманинг 2-иловасида батафсил кўрсатилган.

17. Қвота қандай шакллантирилади ва нималарга эътибор берилади?

Жамғарма ҳар йили 1 сентябрга қадар стипендия танловига буюртмалар портфели (квота)ни шакллантириш мақсадида вазирлик, идора ва давлат ташкилот мутахассисларининг хорижда бакалавриат, магистратура ва докторантурада таълим олишга бўлган реал эҳтиёжлари ўрганилади.

Шунингдек, Жамғарма таълим дастурлари бўйича хорижда таълим олиш учун истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликлар рўйхати шакллантирилади.

Ўрганилган эҳтиёж ва таълим дастурлари ва танлов йўналишлари бўйича истиқболли ва талаб юқори бўлган мутахассисликларни инобатга олган ҳолда, таълим соҳалари кесимида буюртма портфели (стипендия квоталари лойиҳаси) ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқлаш учун Жамғарма Васийлик кенгашига киритилади.

18. Ногиронлиги бўлганлар шахслар учун Жамғарма стипендия танловларида имтиёзлар борми?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сон қарорига асосан хорижда таълим олиш дастурлари бўйича ногиронлиги бўлганлар шахслар учун камида 20 та ўрин ажратиб, уларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

19. Хотин-қизлар учун Жамғарма стипендия танловларида имтиёзлар борми?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарорига асосан Жамғарманинг хорижда таълим олиш дастурлари асосида ўқишига жўнатиладиган хотин-қизларнинг улушини камида 20 фоизга кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 мартағи ПФ-87-сон Фармонига мувофиқ хотин-қизларнинг хорижий олий таълим муассасаларида бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида ўқишлари учун ҳар йили қўшимча 60 та ўрин ажратилмоқда.

4. СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ, ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ

20. Қайси Низом асосида Жамғарма стипендия танловлари ўтказилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сонли Фармонининг 4-иловаси билан тасдиқланган “Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очик саралаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида стипендия танловлари ўтказилади ва номзодлар сараланади.

21. Стипендия танловларида кимлар иштирок эта олади?

Жамғарма стипендия танловларида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, уларнинг республикадаги иш ва ўқиши жойидан қатъи назар иштирок этишлари мумкин.

Стипендия танловларида бакалавриат таълим дастури бўйича - 25 ёшгача, магистратура - 20 ёшдан 45 ёшгача, докторантураси - 22 ёшдан 45 ёшгача бўлган номзодлар иштирок этиши мумкин.

22. Стипендия танловларида кимлар иштирок эта олмайди?

Стипендия танловларида қўйидаги шахслар иштирок эта олмайди:

- бакалавриат таълим дастурлари бўйича – 25 ёшдан катта бўлган, аввал ўхшаш таълим йўналиши бўйича хорижда бакалавриатда таълим олганлар;
- магистратура таълим дастурлари бўйича – 20 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал ўхшаш мутахассислик бўйича хорижда магистратурада таълим олганлар;
- докторантураси таълим дастурлари бўйича (шу жумладан аспирантура орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун) – 22 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал фалсафа доктори (PhD), фан номзоди ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини хорижда олганлар;
- танланган мутахассислик бўйича меҳнат стажи 2 йилдан кам бўлганлар;
- олий маълумотга эга бўлмаганлар (мазкур талаб бакалавриат таълим йўналиши бўйича номзодларга татбиқ этилмайди);
- давлат ҳокимиятининг сайлаб қўйиладиган органларида фаолият юритаётганлар;
- оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлиги тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаганлар.

23. Стипендия танловида номзодларни саралаш нечта босқичда амалга оширилади?

Номзодларни саралаш 2 (икки) босқичда амалга оширилади:

1-босқич ҳужжатларни Низомда белгиланган талаблар асосида қабул қилиш, таҳлил қилиш ва рўйхатга олишни кўзда тутади.

Ушбу босқич Жамғарма ходимлари томонидан ўтказилиб, унинг якунлари бўйича ҳужжатларини Жамғарма талабларига мос равишда тақдим этган, саралаш танловининг 2-босқичига ўтган иштирокчиларнинг йиғма рўйхати тузилади.

Стипендия танловининг 2-босқичида давлат тилида сухбат ўтказилади.

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига кўра танловининг 2-босқичи рақамли технологияларга асосланган ҳолда онлайн видеомулоқот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Жамғарманинг Васийлик кенгаши қарорига кўра, номзодларнинг интеллектуал, таҳлил қилиш ва ижодий қобилияtlари даражасини аниqlашга қаратилган қўшимча тест синови ўтказилиши мумкин.

24. Стипендия танловида номзодлардан талаб этиладиган асосий ҳужжатлар рўйхати қандай?

Стипендия танловида барча номзодлардан талаб этиладиган асосий ҳужжатлар рўйхати куйидагича:

- Жамғарма ижрочи директори номига ариза;
- паспорт нусхаси (электрон шаклда);
- иш жойи ва лавозими сақланиши ёки тегишли таълим дастури тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш бўйича мажбуриятлар акс этган кафолат хати (танлов ғолиблари учун);
- узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамғарма молиявий харажатларини қоплаш тўғрисидаги кафолат хати, банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси (танлов ғолиблари учун);
- хорижий таълим муассасасига ўқишига қабул қилинганлиги ёки шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance ёки Letter of conditional acceptance);
- хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат (IELTS, TOEFL ва бошқалар) (ўқишига шартсиз қабул қилинган номзодлардан бундан мустасно).

25. Стипендия танловида номзодлардан талаб этиладиган қўшимча ҳужжатлар рўйхати қандай?

Бакалавриат дастури номзодлари учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

Магистратура дастури номзодлари учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- номзоднинг Ўзбекистонда ва хорижда эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари (агар мавжуд бўлса);
- хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақида эссе (ёзма иш).

Докторантура дастури номзодлари учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

- номзод тадқиқотининг долзарблиги ҳамда унинг натижаларини Ўзбекистонда қўллаш тўғрисида тегишли таълим, илмий ёки бошқа муассаса раҳбарининг тавсия хати;
- номзоднинг Ўзбекистонда ва хориждаги илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалари рўйхати ҳамда уларнинг электрон вариантлари;
- режалаштирилаётган илмий тадқиқотнинг мақсадлари, услублари ва натижалари, уларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари ҳақидаги эссе (ёзма иш).

26. Стипендия танловига ҳужжатлар қайси шаклда топширилади?

Номзодларга қулайлик яратиш мақсадида танловнинг 1-босқичи (хужжат топшириш) тўлиқ рақамлаштирилиб, электрон ҳужжат топшириш платформаси

жорий этилган. Номзод интернетга уланган ҳолда (компьютер, планшет ва мобил қурилмалардан) дунёниг исталган жойдан туриб рўйхатдан ўтиши мумкин.

Жамғарма томонидан стипендия танловлари эълон қилинганидан сўнг, Жамғарманинг расмий веб-сайти (www.eyuf.uz)да жойлашган “Онлайн хужжат топшириш” бўлимига кирилади ҳамда онлайн хужжат топшириш платформаси орқали хужжатлар электрон шаклда топширилади.

Саралаш танловининг барча босқичларидан муваффакиятли ўтган номзодлар хужжатларини тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда чоп этилган шаклда тақдим этадилар.

27. Электрон хужжат топшириш неча босқичда амалга оширилади?

Электрон хужжат топшириш 2 (икки) та босқичда:

1-босқич. Рўйхатдан ўтиш – ушбу босқичда номзод ўзи тўғрисидаги маълумотларни тўлдиради ва унга платформада шахсий кабинет очилади;

2-босқич. Шахсий кабинетга кириш орқали талаб этиладиган хужжатларни электрон шаклини юклаш.

Рўйхатдан ўтиш ва хужжатларни юклаш бўйича визуал қўлланмалар (тақдимот ва видео) платформанинг “Кўлланма” менюсида жойлашган.

Хужжатларнинг электрон шакллари платформада кўрсатилган файл форматларига (Word, PDF ёки JPG) мос келиши ва ҳар бир хужжатнинг ҳажми 2 Мб дан ошмаслиги керак.

28. Агар номзодда хорижий давлатларнинг бир неча таълим муассасаларининг ўқишга қабул қилинганилик тўғрисидаги таклифнома хатлари бўлса, уларни қай тартибда платформага юлаш мумкин?

Платформанинг электрон хужжатларни юлаш ойнасида “Кўшимча таклифнома хатларини юлаш” бўлими мавжуд. Ушбу бўлимга кириш орқали номзодлар кўшимча таклифнома хатларини юлаши мумкин.

29. Электрон платформа орқали топширилган хужжатлар ва маълумотларга ўзгартириш киритиш имконияти мавжудми?

Масалан: электрон платформага юланган ҳужжатларни янгилаш ёки қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни киритиш ҳамда танланган танлов йўналиши ёки мутахассисликни ўзгартириши.

Стипендия танлови якунига қадар номзод томонидан юланган хужжатларни “Тахрирлаш” тугмаси орқали ўзгартириш мумкин.

30. Хужжатларимни қабул қилинган ёки қабул қилинмаганлигини платформа орқали билсам бўладими?

Номзодларнинг шахсий профилининг асосий ойнасида “Статуси” деган хабар мавжуд. Ушбу хабар орқали статуси (стипендия танловининг 1-босқич натижалари)ни кузатиб боришингиз мумкин.

31. Онлайн хужжат топшириш бўйича қўшимча саволларга қай тартибда жавоб олсак бўлади?

Агар номзод электрон хужжат топшириш жараёнида қўшимча саволлар юзага келса, платформанинг FAQ (энг кўп бериладиган саволлар ва уларга жавоблар) бўлимидан, онлайн чат ёки Жамғарманинг телеграм боти (@Eyuf_Admission_Bot) орқали жавоб олиши мумкин.

32. Стипендия танлови тўғрисида маълумот қаерда эълон қилинади?

Стипендия танлови тўғрисидаги эълон ва унга доир барча маълумотлар ОАВ ҳамда Жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали эълон қилинади.

Шу билан бирга, ҳар йили Жамғарманинг очиқ стипендия танловлари ва танлов тартиби билан боғлиқ янгиликларни вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимларига, шунингдек худудлардаги ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида худудий амалий-услубий семинарлар ташкил этилади.

33. Стипендия танловлари йилига қанча марта эълон қилади?

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ бир йилда камида икки маротаба ўтказилади. Бунда жорий йилга ажратилган ўринларнинг тўлишига қараб стипендия танловини ўтказиш режалаштирилади.

34. Стипендия танловига ҳужжатлар қабули қанча вақт давом этади?

Стипендия танловига ҳужжатларни қабул қилиш муддати Жамғарма Васийлик кенгаши томонидан белгиланади. Стипендия танловига ҳужжатлар қабул қилиш муддатлари ОАВ ҳамда Жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали эълон қилинади.

35. Стипендия танловига ҳужжат топширишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

Биринчи навбатда номзод “Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни очиқ сараплаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ти Низомда белгиланган талабларга мослиги.

Иккинчидан, Жамғарма стипендия танловида иштирок этмоқчи бўлган номзод мустақил равища хорижий таълим ва илмий муассасалардан бирига ўқишига қабул қилинган бўлиши керак.

Шу билан бирга, стипендия танловида номзод томонидан танланган мутахассисликнинг устуворлигига алоҳида эътибор берилади.

36. Acceptance letter (таклифнома хати) нима, унинг қандай турлари бор?

Acceptance letter – номзодни хорижий олий таълим муассасасига қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Одатда, университет қабул комиссиялари ўзлари танлаган талabalарга университет дастурига мос келадиган қабул хатларини юборадилар.

Университетлар юбориши мумкин бўлган икки турдаги таклиф хатлари мавжуд: шартли (conditional offer) ва шартсиз (unconditional offer).

Шартли таклиф хатида махсус шартлар мавжуд, бунда номзод маълум бир баҳолар ёки қайсиdir даражадаги билимга эга бўлиши керак, шу билан бирга шартсиз таклиф хатида ҳеч қандай шарт мавжуд эмас ва номзоднинг мавжуд билим даражаси университет томонидан қабул қилинганлигини акс эттиради.

37. Агар номзод бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижий университетга қабул қилинган бўлса қайси бири инобатга олинади?

Стипендия танловида номзод томонидан бир вақтнинг ўзида бир нечта хорижий университетга қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома хатини тақдим қилса, унда хорижда таълим олиш учун хорижий университетлар томонидан номзодга таклиф этилган грант (стипендия ёки бошқа молиявий имтиёз)лар миқдори ёхуд таълим муддатининг қисқалиги кўпроқ эътиборга олинади.

38. Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиш учун хорижий тилни билиш сертификати (TOEFL ёки IELTS сертификати) бўлиши шартми?

Агар номзод томонидан хорижий таълим муассасасига шартли қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат тақдим этилган тақдирда хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи CEFR тизими бўйича B2 даражасидан паст бўлмаган амалдаги миллий ёки халқаро сертификат (Миллий сертификат, IELTS, TOEFL ва бошқалар) талаб этилади.

Хорижий таълим муассасасига шартсиз қабул қилинганлиги тўғрисидаги таклифнома-хат (Letter of acceptance)ни тақдим этган номзодлардан хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи сертификатлар талаб этилмайди.

39. Қайси халқаро рейтинг агентликларини билишингиз керак?

Бугунги кунда дунё университетларининг таълим ва илмий фаолияти энг нуфузли, халқаро даражада тан олинган **THE** (Times Higher Education World University Rankings) (Буюк Британия), **QS** (Quacquarelli Symonds World University Rankings (Буюк Британия), **The U.S.News and World Report** (Best Global University Rankings) (АҚШ) ва **ARWU** (Academic Ranking of World Universities) (Хитой) рейтинг тизимларида баҳоланади. Мазкур компаниялар ҳар йили университетларнинг глобал, ҳудудий ва соҳа (фан) рейтингларини эълон қилиб боришади.

40. Хорижда таълим олишни ташкил қилиш очиқ стипендия танловлари қайси халқаро рейтинглар доирасидаги таълим муассасаларини ўз ичига олади?

Хорижда таълим олишни ташкил қилиш THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings), The U. S. News and World Report (Best Global University Rankings) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) каби халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтингларнинг энг илғор 300 та (ёки танлаб олинган фан бўйича етакчи 100 та) таълим ва илмий муассасалар рўйхатидан жой олган хорижий таълим, илмий ҳамда бошқа муассасалар доирасида амалга оширилади.

41. Глобал академик рейтингда ТОП 300 ёки фан рейтингида ТОП 100 талик рўйхат тўғрисида нималарни билиш лозим?

Жамғарма стипендия танловида иштирок этмоқчи бўлган номзод мустақил равишда THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings), The U.S.News and World Report (Best Global University Rankings) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) каби халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтинглар ТОП 300 та (ёки танлаб олинган фан бўйича ТОП 100 та) таълим ва илмий муассасалардан бирига ўқишига қабул қилинган бўлиши керак.

Ушбу нуфузли халқаро рейтинг ташкилотларининг юқори 300 талик ёки Фан соҳалари рейтинги (Subject Rankings) бўйича 100 талик рўйхатига киритилган хорижий таълим ва илмий муассасалар тўғрисидаги маълумот (рўйхати) ҳар йили Жамғарманинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

42. Номзод танлаган университет ТОП 300 ёки фан соҳаси бўйича ТОП 100 талик рўйхатга кирмаган бўлса, унда номзод учун қандай имкон бўлади?

Номзод танлаган университет ТОП 300 ёки фан соҳаси бўйича ТОП 100 талик рўйхатга кирмаган бўлса, тегишли вазирлик ёки идора хулосасига кўра Жамғарма Васийлик кенгаши қарори билан танланган ушбу университет ёки бошқа ташкилотларда ўқишига рухсат берилади.

43. Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиш учун ариза топширмоқчи бўлган номзодга Буюк Британия университетлари аввал тайёрлов йили (Foundation year) курсини ўқиши кераклиги талаб қилишяпти. Жамғарма тайёрлов йили (Foundation year) курсини ҳам молиялаштирадими?

Жавоб: Айрим ривожланган давлатлар таълим муассасаларида бир йилгача бакалавриатга тайёрлов курслари (Foundation year/course) харажатлари Жамғарма томонидан молиялаштирилиши мумкин. Бунда, тайёрлов курси ва бакалавриатда ўқишининг умумий муддати 4 йилдан ошмаслиги лозим.

44. Номзод Ўзбекистон фуқароси бўлмаса, лекин Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бўлса, Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиши мумкинми?

Жамғарманинг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ, таълим дастурлари бўйича таълим олишга қабул фақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ҳамда қабул ва танлаб олишнинг ягона қоидалари асосида амалга оширилиши белгиланган.

45. Жамғарма стипендия танловларининг 2-босқич сухбат жараёнлари қайси тилда олиб борилади. Ўзбек тилини яхши билмаслик баллга таъсир кўрсатадими?

Стипендия танловининг 2-босқичида номзодлар билан хорижда таълим олишдан қўзланган мақсад ва таълим олиш тутагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари, танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўнинмалари, маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқарashi, миллий ва

умуминсоний қадриятларни, шунингдек, давлат тилини билиш даражасини аниқлашга қаратилган давлат тилида сұхбат үтказилиши күзде тутилади.

46. Номзод аввал ҳам магистратура дастурини Ўзбекистонда жойлашган университетда тамомлаган бўлишига қарамай Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиб хорижда яна бир марта магистратура дастурида ўқиш имконияти борми?

Жамғарманинг амалдаги хужжатларига мувофик, магистратура таълим дастурлари бўйича - 20 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал ўхшаш мутахассислик бўйича хорижда магистратурада таълим олганлар Жамғарма стипендия танловларида иштирок эта олмаслиги белгилаб қўйилган. Бу вазиятда номзод аввалги магистратура дастурини Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг бирида тамомланғанлигини инобатга олиб хорижда магистратура таълим олиш учун Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиш мумкин.

47. Номзод Ўзбекистонда фалсафа доктори (PhD) даражасини олган бўлишига қарамай Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиб хорижда яна бир марта докторантура дастурида ўқиш имкониятим борми?

Жамғарманинг амалдаги хужжатларига мувофик, докторантура таълим дастурлари бўйича (шу жумладан аспирантура орқали фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун) - 22 ёшдан кичик ва 45 ёшдан катта бўлган, шунингдек, аввал фалсафа доктори (PhD), фан номзоди ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини хорижда олганлар иштирок эта олмаслиги белгилаб қўйилган. Юқоридагиларни инобатга олиб, ушбу номзод Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиши мумкин.

48. Хориждаги университетда таҳсил олиб юрган талаба стипендия танловида иштирок эта оладими?

Масалан: хорижий университетда бакалавриат, магистратура ёки докторантурада таҳсил олиб юрган талаба Жамғарма стипендия танловида иштирок этиши.

Стипендия танловида хорижда таҳсил олиб юрган талаба иштирок этишига рухсат берилади. Стипендия танловида ғолиб бўлган сўнг кейинги академик ўкув йилидан бошлаб Стипендиатнинг ўқиш билан боғлиқ харажатлари Жамғарма томонидан қопланади. Шунингдек, барча Стипендиатлар қатори ўқиш тугаганидан сўнг белгиланган тартиб доирасида давлат ёки давлат улуши мавжуд ташкилотда ишлаб бериш мажбурияти белгиланади.

49. Хориждаги университетларда таҳсил олиб юрган талabalар танловда қайси тартибда хужжат топширади?

Бошқа номзодлар қатори хорижий университетларда таҳсил олиб юрган талabalар (номзодлар) томонидан хужжатларни топшириш электрон платформа орқали онлайн тарзда электрон шаклда амалга оширилади.

Бунда ўқишига қабул қилинганлик тўғрисидаги хат (Acceptance letter) ўрнига, THE (The Times Higher Education World University Rankings), QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings), The U. S. News and World Report (Best Global

University Rankings) ва ARWU (Academic Ranking of World Universities) каби халқаро миқёсда эътироф этилган академик рейтинглар ТОП-300 та (ёки танлаб олинган фан бўйича ТОП-100 та) таълим ва илмий муассасалардан бирида таҳсил олиб юрганлиги тўғрисидаги маълумотномани юклаш талаб этилади.

50. Хорижда таҳсил олаётган талаба (номзод) учун стипендия танловининг 2-босқичини онлайн (масофавий) шаклда ўтказишни имкони борми?

Жамғарма Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ стипендия танловнинг 2-босқичи рақамли технологияларга асосланган ҳолда онлайн видеомулоқот шаклида ташкил этилиши мумкин.

Бунда номзод Танлов комиссияси раиси номига ариза ёзиши сўралади.

51. Ўзбекистондаги хорижий олий таълим муассасаса ёки хориждаги университетни тутатган номзодлардан тил бўйича сертификат талаб этиладими?

Номзод томонидан хорижий олий таълим муассасаса ёки хориждаги университетни тутатганлигини тасдиқловчи ҳужжат (диплом) тақдим этилган тақдирда хорижий тилни билиш тўғрисидаги сертификати талаб этилмайди.

52. Стипендия танловида мактаб битирувчилари аттестатни олмасдан туриб ҳужжат топширишга рухсат бериладими?

Стипендия танлови ўтказилаётган даврда номзод битирувчи синф ўқувчиси бўлса танловда иштирок этишига рухсат берилади. Бунда ўқув йили тугаб лекин аттестатни олмаган бўлса, унинг ўрнига мактаб директори томонидан имзоланган маълумотномани тақдим этиши мумкин. Маълумотнома номзод ҳақиқатдан ҳам битирувчи синф ўқувчиси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилинади.

53. Стипендия танловида олий таълим муассасаси битирувчиларига дипломларини олмасдан туриб ҳужжат топширишга рухсат бериладими?

Масалан: бакалавриат ёки магистратурада таҳсил олиб юрган талаба дипломга эга бўлмасдан туриб ҳужжат топшириши.

Стипендия танловларининг магистратура ва докторантураси дастурларида олий маълумот (диплом)га эга бўлмаганлар иштирок эта олмайди. Бакалавриат таълим дастури бўйича номзодларга бу талаб қўйилмаган.

54. Маълумки Ўзбекистондаги хорижий олий таълим муассасаси битирувчиларига дипломни кеч тақдим қилинади, шу боис ушбу университет битирувчи босқич (курс) талабларирига стипендия танловида дипломни олмасдан туриб ҳужжат топширишга рухсат бериладими?

Стипендия танловларининг магистратура ва докторантураси дастурларида олий маълумот (диплом)га эга бўлмаганлар иштирок эта олмайди. Бакалавриат таълим дастури бўйича номзодларга бу талаб қўйилмаган.

55. Талабалик (бакалавриат ёки магистратура босқичида таҳсил олиб юрган) даврда расмий ишлаган бўлса, бу меҳнат стажи деб ҳисобга олиниадими?

Стипендия танловида иштирок этувчи номзоднинг танланган мутахассислик бўйича меҳнат стажи тўлиқ 2 йилдан кам бўлмаслиги талаб этилади.

Талабалик даврида ишлаган давр меҳнат стажига кирмайди, сабаби талабанинг асосий фаолияти ўқиш ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатта олиб, Жамғарма стипендия танловларинг магистратура ҳамда докторантурасида иштирок этиш учун олий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг тўлиқ иш ставкасида ишлаган давр меҳнат стажи деб ҳисобланади.

56. Номзод хорижда магистратура ёки докторантурасида дастури асосида таълим олиш учун Жамғарма стипендия танловларида иштирок этмоқчи бўлса, лекин унда белгиланган 24 ойлик меҳнат стажи мавжуд эмас. Номзодга стипендия танловида иштирок этишга рухсат бериладими?

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари томонидан докторантурасида магистратурада таълим олиш дастурларига тавсия этилган номзодларга, шунингдек, бакалавриат таълим дастури бўйича номзодларга меҳнат стажидан қатъи назар саралаш танловида иштирок этишга рухсат берилади. Бошка ҳолларда 24 ойлик стажга эга бўлмаган номзодларга стипендия танловларида иштирок этишга рухсат берилмайди.

57. Хужжат топшираётган Номзоднинг меҳнат стажи ҳозирги вақтда 22 ойни ташкил этади. Агар номзоднинг меҳнат стажи стипендия танловининг тугаганича 24 ойни ташкил қиласа, номзодга иштирок этишга рухсат бериладими?

Жамғарма стипендия танловларида иштирок этиш учун номзоднинг меҳнат стажи хужжат топшираётган даврда 24 ойдан кам бўлмаслиги керак.

5. СТИПЕНДИЯ ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

58. Стипендия танловига хужжат топширгандан сўнг 1-босқич натижалари қачон эълон қилинади?

Стипендия танловининг 2-босқичига тавсия этиладиган номзодлар хужжатлар қабули тугаганидан сўнг, 10 (ўн) иш куни ичида эълон қилинади. Стипендия танловининг 1-босқич натижалари тўғрисидаги эълон ва унга доир барча маълумотлар Жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали эълон қилинади.

59. Стипендия танловига хужжат қабул тугаганидан сўнг танловининг 2-босқичи (сухбат) қачон ўтказилади?

Стипендия танловининг 2-босқичига тавсия этилган номзодлар билан ўтказиладиган сухбат куни, гурухи ва вақти танловининг 1-босқичи якунланган кундан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида Жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали эълон қилинади.

60. Стипендия танловининг сұхбат жараёни қандай ташкил этилади?

Жамғарма стипендия танловларининг сифатли ва шаффоғ үтиши учун номзодларни сұхбат орқали баҳолаш ва саралаш танлаб олишни үтказиш бўйича комиссиялар томонидан амалга оширилади. Комиссияларнинг шахсий таркиби ва иш тартиби Жамғарманинг Васийлик кенгаши томонидан ҳар бир танлов учун алоҳида тасдиқланади.

Комиссиялар таркибига республиканинг турли давлат ташкилотлари, миллий ва халқаро таълим ва илмий муассасалар ҳамда халқаро ташкилотлардан малакали ва ўз соҳасида бой тажрибага эга бўлган миллий ва хорижий мутахассислар эксперт сифатида жалб қилинади.

Сұхбат жараёнида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган стипендия танловларида иштирок этувчи номзодларнинг маънавий-маърифий салоҳияти ва билимлари даражасини аниқлаш бўйича сұхбат дастуридан фойдаланилади.

Юқоридагилардан ташқари, барча танлов босқичларини үтказиш ва баҳолаш маҳсус баёнлар асосида юритилади ҳамда видео ёзувларга тушириб борилади.

61. Стипендия танловининг сұхбат босқичида нималарга эътибор қаратиш лозим?

Стипендия танловининг сұхбат босқичида номзодлар билан:

- хорижда таълим олишдан кўзланган мақсад ва таълим олиш тугагач олинган билимларни Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари;

- номзоднинг маънавий-ахлоқий тафаккури, соғлом дунёқараши ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни билиши, она Ватанига ва илм-фанга садоқати ҳамда фидойилиги;

- номзоднинг танлаган мутахассислиги бўйича билим ва кўникмалари даражасини аниқлашга қаратилган давлат тилида сұхбат үтказилади.

Танловда ўз назарий билим ва/ёки амалий тажрибалари натижасида хорижда таълим олиш учун хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассаса томонидан номзодга таклиф этилган грант (стипендия ёки бошқа молиявий имтиёз)лар миқдори ёхуд таълим муддатининг қисқалиги танлов жараёнида устунлик берувчи ҳолат сифатида эътиборга олинади.

Сұхбат натижалари Танлов комиссияси томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади. Агарда номзодга 61 балл ва ундан юқори бўлса кўйилса, номзод Жамғарма Васийлик кенгаши муҳокамасига тавсия этилади ва кўриб чиқилади.

Агарда номзодга кўйилган умумий балл 61 балдан паст бўлса, номзод Жамғарма Васийлик кенгаши муҳокамасига тавсия этилмайди ва номзод сұхбат босқисидан ўта олмаган ҳисобланади.

62. Сұхбат натижалариға кўра битта соҳага ҳужжат топширган номзодларга бир хил ёки 61 балл юқори кўйилганда нима бўлади?

Ушбу соҳа бўйича ажратилган квота доирасида энг баланд балл олган номзодлар Жамғарма Васийлик кенгашига тавсия этилади. Номзодларга кўйилган

баллар бир хил бўлган тақдирда, агар иккаласи ҳам квота доирасида бўлса, унда иккала номзод ҳам Васийлик кенгашига тавсия этилади.

Масалан: давлат ва жамият бошқаруви танлов ўйналишида иқтисод соҳаси бўйича 4 та ўрин ажратилган, 1-босқич натижаларига кўра 10 нафар номзод сухбатга тавсия этилди. Суҳбат давомида 10 нафар номзоднинг 7 нафарига 61 балдан юқори балл қўйилган бўлса, 7 нафар номзодлар ичидан энг юқори балл тўплаган 4 ўтган ҳисобланади.

63. Номзод сухбат жараёнида олган баллидан қаноатланмаган бўлса апелляция топшириш тартиби қандай?

Номзодларни саралаш босқичининг сўнги натижалари эълон қилинганидан сўнг 3 (уч) кун ичida номзод Апелляция комиссиясига шикоят аризаси билан мурожаат қиласи ҳамда Апелляция комиссияси 5 (беш) кун давомида қабул қилинган шикоятни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қиласи.

64. Апелляция жараёни қандай ташкил этилади?

Саралаш танловининг ўтказилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда сухбат натижалари бўйича берилган шикоят ва аризалар Жамгарма Васийлик кенгашининг қарори билан тасдиқланган Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Саралаш танлови натижасидан норози бўлган номзод натижаси қилинган кундан бошлаб 3 (уч) кун давомида Танлов комиссиясининг Апелляция комиссиясига белгиланган шаклда ёзма ёки электрон тарзда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси қабул қилинган аризаларни 5 (беш) кун давомида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур.

Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиши жараёнида тегишли масалалар бўйича Қабул комиссияси аззоларини, шунингдек, зарур ҳолларда, келиб тушган аризалар сони ва номзодларнинг мутахассисликларидан келиб чиқиб, тегишли соҳалар бўйича тажрибали маҳаллий ва хорижий эксперталарни жалб этишга ҳақли.

Апелляция шикояти Апелляция комиссияси томонидан номзод иштирокида, унинг шикоят ва далиллари асосида кўриб чиқилади. Номзоднинг келтирган шикоят ва далиллари ўз тасдигини топмаса, Апелляция комиссияси танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляция шикоятини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласи.

Апелляция комиссияси қарори, яъни Апелляция комиссияси танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириши ёки номзодларнинг апелляция шикоятларини қаноатлантириш тўғрисидаги қарори Жамгарма Танлов комиссиясига апелляция жараёни тўлиқ якунлангандан сўнг 3 (уч) иш куни ичida тақдим этилади.

65. Стипендия танловининг якуний натижалари қачон ва қаерда эълон қилинади?

Стипендия танловининг якуний натижалари танлов тугаганидан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичida эълон қилинади. Стипендия танлов натижалари тўғрисидаги

эълон ва унга доир барча маълумотлар Жамғарманинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали эълон қилинади.

Жамғарма Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ “Жамғарма стипендиати” деб эътироф этилган стипендия танлови ғолибларига сертификатларни тантанали топшириш маросими ташкил этилади.

66. Стипендия танловида ғолиб бўлган номзод (Стипендиат) қанча вақт ичида хорижга ўқишга жўнаб кетиши керак?

Стипендия танловида ғолиб бўлган номзод (Стипендиат) 6 (олти) ой ичида хорижга ўқишга жўнаб кетиши керак. Стипендиатга тақдим этилган сертификат 6 (олти) ойгача амал қиласи.

67. Агар номзод стипендия танловининг саралаш босқичларидан ўта олмаса Жамғарманинг кейинги стипендия танловларида иштирок этиши мумкинми?

Стипендия танловлари барча учун очик ҳисобланади, шу боис стипендия танловларида иштирок этиш имкониятлари бўйича чекловлар қўйилмаган.

68. Стипендия танловида ғолиб бўлмаган ёки иштирок этмаган, лекин хорижий университетга қабул қилинган талабалар (шахслар)га виза олишда Жамғарма ёрдам бера оладими?

Жамғарма стипендия танлови ғолиби бўлмаган лекин хорижий университетга қабул қилинган талабалар (шахслар)га хорижий давлатнинг тегишли визаси ёки рухсатномаларини олишда Жамғарма томонидан амалий ёрдам кўрсатилмайди.

6. СТИПЕНДИАТНИНГ ХОРИЖДА ЎҚИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ

69. Стипендиат томонидан саралаш танловига хужжат топшираётган даврда қабул қилинган хорижий университетни бошқа кетиш даврида хорижий университетга ўзгартиришга рухсат бериладими?

Масалан: Номзод танловга ҳужжат топшираётганда АҚШнинг Аризона университетига қабул қилинган, аммо стипендия танловида ғолиб бўлгандан сўнг ўқишига жўнаб кетиши даврида Германиянинг Берлин техника университетига ўзгартириб кетмоқчи бўлса.

Стипендиат томонидан танланган университетга ўзгартириш киритмоқчи бўлса, бунда мазкур университет томонидан номзодга таклиф этилган грант (стипендия ёки бошқа молиявий имтиёз)лар миқдори ёхуд таълим муддатининг қисқалиги эътиборга олинади.

Шунингдек, таклиф этилаётган янги университетда ўқиш тўлови Стипендиат томонидан саралаш танловига хужжат топшираётган даврда қабул қилинган хорижий университетнидан қўп бўлмаслиги керак.

70. Тўрт томонлама шартнома нима?

Тўрт томонлама шартнома - Стипендиатнинг таълим дастурини ташкил этиш ва молиялаштириш, шунингдек, унинг хорижда ўқиши ҳамда ўқишдан қайтгандан сўнг меҳнат фаолияти мониторингини амалга ошириши борасида юзага келадиган Жамғарма, Стипендиат ҳамда унинг Иш берувчи ва асосий молиявий кафиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи, ҳамда томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирувчи хужжат.

71. Тўрт томонлама шартнома қачон тузилади?

Стипендиат Жамғармага тегишли танлов ҳужжатларини топширганидан сўнг ҳамда таълим олиши мўлжалланаётган хорижий давлатнинг тегишли виза ва рухсатномаларини олганидан сўнг ўрнатилган тартибда у билан тўрт томонлама шартнома тузилади.

72. Тўрт томонлама шартнома қандай тузилади ва расмийлаштирилади?

Жамғарма Васийлик Кенгаши томонидан тўрт томонлама шартнома намунаси тасдиқланган бўлиб, ушбу намуна жамғарма веб-сайтида мавжуд. Дастроб, Стипендиат учун хорижда таълим олиш дастурининг умумий харажатлари ҳисоб-китоб қилинади ҳамда шартноманинг тегишли бандлари ўрнатилган тартибда тўлдирилади. Шундан сўнг, шартнома тўрт нусхада тузилиб, Жамғарма, Стипендиат ҳамда унинг асосий кафили ҳамда иш берувчи томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

73. Тўрт томонлама шартнома асосий молиявий кафил ким?

Тўрт томонлама шартнома шартларидан келиб чиқадиган Стипендиатнинг молиявий ва бошқа мажбуриятларини келгусида Жамғарма олдида унинг талаби билан солидар тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олевчи давлат ва хўжалик бошқаруви органи ёки юридик шахслар.

74. Тўрт томонлама шартномада қўшимча кафиллар ким?

Тўрт томонлама шартнома шартларидан келиб чиқадиган Стипендиатнинг молиявий ва бошқа мажбуриятларини келгусида Жамғарма олдида унинг талаби билан солидар тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олевчи жисмоний шахслар. (Стипендиатнинг ота-онаси ва/ёки яқин қариндошлари, улар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўла олмаган тақдирда бошқа қариндошлари).

75. Иш билан таъминлаш тўғрисидаги кафолат хати деганда нима тушунилади?

Иш жойи ва лавозими сақланиши ёки тегишли таълим дастури тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш бўйича мажбуриятлар акс этган кафолат хати. Ушбу кафолат хати вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ёхуд давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотлар томонидан олинади.

76. Учинчи шахсларнинг тўлиқ молиявий мажбурияти тўғрисида расмий розилиги (молиявий кафолат хати) деганда нима тушунилади?

Молиявий кафолат хати - узрсиз сабабларга кўра Стипендиат билан тузилган шартнома бекор қилинган тақдирда, Жамгарма молиявий харажатларини қоплаш тўгрисида вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ёхуд давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотлар томонидан томонидан берилган кафолат хати, банк кафолати ёки суғурта ташкилотининг суғурта полиси ҳисобланади.

77. Стипендиат хорижга оила аъзолари билан кетиши мумкинми?

Жамгарма томонидан Стипендиатнинг ўзи билан хорижга оила аъзоларини олиб кетишига ҳеч қандай эътиroz мавжуд эмас. Бироқ, Жамгарма фақатгина Стипендиатнинг чет элда таълим олиш ва яшаш харажатларини молиялаштиради.

78. Шартнома шартларини бузиш ва молиявий жавобгарлик чоралари қандай бўлади?

Стипендиат узрсиз сабабларга кўра хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасаларнинг талабалари сафидан чиқарилган ёки Жамгарма таълим дастурлари тугагандан сўнг у билан тузилган шартнома шартларига мувофиқ вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ёхуд давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларда меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош тортган тақдирда, Жамгарма томонидан уни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар Стипендиат ва унинг молиявий кафиллари (юридик ва жисмоний шахслар) томонидан солидар тартибда қоплаб берилади.

79. Агар Стипендиат турли хил сабабларга кўра тўрт томонлама шартномани тегишли тартибда шахсан имзолай олмаса, бошқа киши унинг номидан имзолай оладими?

Агар Стипендиат турли хил сабабларга кўра тўрт томонлама шартномани шахсан имзолай олмаса, унинг номидан нотариал тасдиқланган умумий ишончнома орқали вакил имзолаши мумкин.

7. ХОРИЖДА ТАЪЛИМ ОЛИШНИНГ ТУГАШИ ВА ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТИШ

80. Агар стипендиат ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (касаллик, пандемия, уруш ҳолати) хорижда таълим дастурини тамомлай олмаса, тегишли тарзда жавобгарликка тортиладими?

Шартнома шартлари томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, эпидемия, карантин ва бошқалар), ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) ёки Стипендиат шахси билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолатлар (Стипендиат ўлими, ногиронлик ёки узоқ муддатли даволанишни талаб қиласиган оғир касаллик) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳодисалар форс-мажор ҳолатлари деб эътироф этилади ҳамда томонлар жавобгарликдан озод қилинади.

81. Стипендиат хорижда докторантурасында асосида таълим олиш жараёнинда ўқиши белгиланган муддатда якунлай олмаса, ушбу муддатни узайтириш имконияти борми?

Жамғарма буюртмачи ташкилотнинг асосланган таклифиға мувофиқ, истисно тариқасида, хорижий олий таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг мурожаатлари асосида докторантураси ва магистратурада таълим олиш муддатини, қўшимча молиялаштириш ҳуқуқисиз, бир семестргача узайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

82. Хорижда Жамғарма стипендияси орқали таълим олиш даврида университетни ўзгартиришга, яъни бошқа хорижий университетга ўқиши кўчириш мумкинми?

Масалан: АҚШнинг Аризона университетида бакалаврда 2 йил ўқиб, 3-босқич (курс)ни АҚШнинг Стенфорд университетида ёки Буюк Британиянинг Лондон университетида давом эттириши (ўқишини кўчириши).

Амалдаги Низомга мувофиқ Стипендиатларнинг хорижда Жамғарма стипендияси орқали таълим олиш даврида университетни ўзгартиришга, яъни бошқа хорижий университетга ўқиши кўчиришга рухсат берилмайди.

83. Стипендиатга хорижда таълим даврида таҳсил олаётган мутахассислигини ўзгартиришга рухсат бериладими?

Амалдаги Низомга мувофиқ Стипендиатларнинг хорижда Жамғарма стипендияси орқали таълим олиш даврида таҳсил олаётган мутахассислиги (таълим йўналиши)ни, ўзгартиришга рухсат берилмайди.

84. Хорижда Жамғарма стипендияси орқали таълим олишни тугатиб, Ўзбекистонга қайтмасдан яна бошқа дастур бўйича стипендия танловида иштирок этса бўлами?

Масалан: бакалавр босқичини тугатиб шу ерни ўзида магистратурага топшириши ёки магистратураги тугатиб докторантурага топшириши.

Тузилган тўрт томонлама шартномага мувофиқ Стипендиат Ўзбекистонга қайти келиб ишлаб бериши шарт. Стипендиат томонидан мажбурияти бажарилгандан (белгиланган муддат ишлаб бериш) сўнг Жамғарманинг стипендия танловларида иштирок этишга рухсат берилади.

85. Стипендия харажатлари таркибидаги бошқа харажатларга қандай харажатлар киради ва улар қандай тартибда тўлаб берилади?

Стипендиатларнинг бошқа харажатлари билан боғлиқ тўловларига қўйидаги харажатлар киради:

- визани расмийлаштириш (консуллик йиғими) ва виза олиш учун хорижий мамлакатлар элчихоналарининг талабига биноан мажбурий хизматлар харажатлари;

- Стипендиатларни қабул қилувчи давлатларнинг ваколатли органларида рўйхатдан ўтиш харажатлари;

- хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг талабларига кўра илмий мақолаларни чоп этиш харажатлари;
- хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда ёки илмий лабораторияларда экспериментлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар;
- хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларнинг талабига биноан илмий-техникавий тайёргарликка қабул қилиш учун зарур фанлардан илмий ва техник даражасини аниқлаш бўйича бир марталик имтиҳонлар;
- хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасалар талабларига мувофиқ мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш харажатлари;
- Стипендиатларнинг миллий валюта конвертацияси ва хорижий мамлакатларга пул жўнатмалари, шунингдек, “Block-account”ни расмийлаштириш (маблағларни захира қилиб қўйиш) билан боғлиқ банк харажатлари;
- республикамиз ва хорижий давлатларда жорий қилинадиган карантин ва шу каби бошқа чекловлар натижасида юзага келадиган бошқа харажатлар.

Стипендиатлар Жамғармага юқорида номлари келтирилган харажатлар билан боғлиқ амалга оширилган ҳақиқий сарфларни тасдиқлаб берадиган чеклар, чипталар ёки бошқа ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

86. Жамғарма стипендияси доирасида ажратилган маблағдан ортиб қолган пулни қайтариш шартми?

Ўқиши қиймати учун Стипендиатнинг пластик картасига тўлаб берилган маблағлар ҳақиқатда тўланганлигини асословчи чек ёки квитанция билан ҳисобдан чиқарилади ва қолдиқ маблағ жамғармага қайтарилади (қолган тўловлар бундан мустасно).

87. Стипендиатнинг академик ҳисботи деганда нима тушунилади?

Стипендиатнинг хорижда таълим олиш даврида ўқув жараёни билан боғлиқ бажарилган ишлар тўғрисида ҳисбот. Бунда ҳисботда таълим олиш дастури бўйича маълумот, академик талабларнинг ва илмий тадқиқот ишининг бажарилиш ҳолати, қўшимча (мажбурий бўлмаган) фаолият ҳамда қўшимча ютуқлар тўғрисидаги маълумотлар акс этади.

88. Стипендиатнинг молиявий ҳисботи деганда нима тушунилади?

Ўқиши қиймати учун Стипендиатнинг пластик картасига тўлаб берилган маблағлар ҳақиқатда тўланганлигини асословчи чек ёки квитанция билан ҳисобдан чиқарилиши.

89. Стипендиат томонидан академик ва молиявий ҳисботлар қачон топширилиши керак?

Стипендиат ҳар семестрда таълим олиши тўғрисидаги илмий раҳбар (ёки координатор) ҳулосаси, баҳолари (транскрипт), академик ҳамда молиявий ҳисботларини Жамғармага ҳар академик йил якунида 10 (үн) кун муддатда топшириб боради.

8. СТИПЕНДИАТНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, УНИНГ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ ВА КАРЬЕРАСИ ЎСИШИ МОНИТОРИНГИ

90. Стипендиатнинг мониторинги қандай тартибда ва нечта босқичда амалга оширилади?

Жамғарма Стипендиати мониторингини олиб бориш икки босқичда амалга оширилади:

биринчи босқич – Стипендиат нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда таълим олаётган даври;

иккинчи босқич – хорижда таълим олиш дастурлари тугаганидан сўнг Ўзбекистон Республикасидаги вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларга ишга жойлашиши, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини ҳамда унинг касбий жиҳатдан ўсиши ва мансаб поғоналарида кўтарилиши жараёни (меҳнат фаолияти).

91. Стипендиатнинг мониторинги деганда нима тушунилади?

Нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда истиқболли мутахассисларнинг ўқишини таҳлил қилиш, унинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлашиши, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини ҳамда унинг касбий жиҳатдан ўсиши ҳамда мансаб поғоналарида кўтарилиши (меҳнат фаолияти)ни кузатиш жараёни.

92. Стипендиатнинг хорижда таълим олиш даврида (семестр ёки ўқув йили якунида) фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи бўйича қандай талаблар бор?

Стипендиат билан тузиладиган 4 томонлама шартномага мувофиқ Стипендиат таълим дастури бўйича ўқув машғулотларида иштирок этиш, берилган топшириқларни ўрнатилган муддатларда бажариш, имтиҳон, синовлар ва билим олишнинг бошқа турдаги назоратларини ўз вақтида топшириши белгиланган.

Жумладан, таълим дастури доирасида топшириладиган оралиқ ва якуний имтиҳон ва синовларни Жамғарма томонидан белгиланган талаб даражасида (яъни хорижий ҳамкор ташкилот томонидан ўрнатилган баҳолаш тизими асосида энг юқори баҳонинг 70 фоизидан кам бўлмаган даражада) ўзлаштириш мажбуриятлари қўйилган.

93. Агар Стипендиатнинг хорижда таълим олиш даврида (семестр ёки ўқув йили якунида) фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи 70 фоиздан паст бўлса, қандай чора кўрилади?

Агар хорижда таълим олиш даврида (семестр ёки ўқув йили якунида) фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи 70 фоизидан паст бўлса Стипендиат билан тузилган 4 томонлама шартнома талабларини бузган ҳисобланади. Бу эса Стипендиат ва Молиявий кафилларига Жамғарма томонидан сарфланган барча сарф-харажатларни қоплаш ҳамда белгиланган жаримани қоплаб бериш мажбуриятини юклайди.

94. Стипендиат хорижда таълим олиш даври тугаганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб келмаса нима бўлади? Қанақа чора кўрилади?

Стипендиат томонидан ушбу Низом ва “4 (тўрт) томонлама шартнома” (Жамғарма, Стипендиат, Иш берувчи ва Кафиллар)да белгиланган мажбуриятлар тўлиқ ёки қисман бажармагандан, у стипендиядан маҳрум қилиниб, Васийлик кенгаши томонидан унинг таълим олиши учун сарфланган сарф-харажатларни қоплаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

Стипендиат Кафиллар билан биргаликда Жамғарма томонидан унинг таълим олиши учун сарфланган харажатларни солидар тартибда ихтиёрий қайтарадилар.

Агар Стипендиат ҳамда унинг Кафиллари томонидан Жамғармага Стипендиатнинг таълим олишига юборилиши ҳамда унинг таълим олиши билан боғлиқ харажатлар ихтиёрий тўланмаган тақдирда, ушбу харажатлар амалдаги конунчилиқда белгиланган тартибда мажбурий ундирилади.

95. Ўқишдан қайтгандан кейин Стипендиат қанча муддат ишлаб бериши керак?

Стипендиатга вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларда эгаллаган мутахассислиги бўйича:

бакалавриатда ўқиш дастури бўйича – 5 (беш) йилдан кам бўлмаган муддатда;

магистратура ва докторантурада ўқиш дастури бўйича – 3 (уч) йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

96. Стипендиатнинг ишлаб бериш муддатини қайси ҳолларда қисқартиrsa бўлади?

Республика худудларини етакчи хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда бакалавриат, магистратура ёки докторантурада таълим олган ёш мутахассислар билан таъминлаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Жамғарма Васийлик кенгаши мажбурий ишлаб бериш жойи сифатида республиканинг чекка ҳудудларида жойлашган давлат ташкилотлари ёки муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотларни танлаган Стипендиатнинг мажбурий ишлаб бериш муддатини бакалавриатда ўқиш дастури бўйича 2 (икки) йилга қадар, магистратура ва докторантурада ўқиш дастури бўйича 1 (бир) йилга қадар қисқартириш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

97. Стипендиатнинг хорижий давлатда ўқишини тугатиб қайтгач ишга жойлашиш тартиби қандай бўлади?

Стипендиат таълим дастурини тамомлагандан сўнг, тузилган 4 (тўрт) томонлама шартномага мувофиқ Стипендиатни иш билан таъминлаш мажбуриятини олган вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотга ишга жойлашиши талаб этилади.

Иш берувчи Стипендиатни белгиланган муддатда иш билан таъминлаш мажбуриятини олади. Иш берувчи Стипендиатни таълим олишини тугатиб Ўзбекистон Республикасига қайтгандан сўнг, илгари эгаллаб турган лавозимидан камида бир поғона юқори лавозим бўйича иш билан таъминлаши лозим.

Агар шундай лавозимда иш ўрни мавжуд бўлмаса, илгари ишлаб турган лавозимидан паст бўлмаган иш билан таъминлаш мажбуриятини олади. Иш берувчи Стипендиатни илгари ишлаб турган лавозимидан паст бўлмаган иш билан таъминлаган тақдирда, унинг кейинги мансаб поғоналарига кўтарилишини унинг иш фаолияти самарадорлигидан ҳамда бўш иш ўрни мавжудлигидан келиб чиқсан ҳолда Стипендиат иш фаолиятини бошлаганидан 6 (олти) ой ўтгач рағбатлантириш мақсадида унинг мансаб поғоналаридан кўтарилишида кўмаклашади.

Иш берувчи Стипендиатни ишлаб бериш мажбурияти тугалланмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 100-моддасида назарда тутилган шартлар асосида Стипендиат билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилмоқчи бўлган тақдирда, Иш берувчи келишиш учун Жамғармани 3 (уч) иш куни ичига келишиши шарт ҳисобланади.

98. Стипендиат қайтиб келиб меҳнат фаолиятини амалга ошираётган жараёнда иш жойи ўзгарса нима қилиш керак бўлади?

Стипендиат билан тузилган 4 (тўрт) томонлама шартномага шартномага мувофиқ, Жамғарма ва томонлар билан ўзаро келишган ҳолда меҳнат фаолиятини олиб бораётган вазирлик, идора ёки давлат ташкилотидан бошқа вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилотга меҳнат фаолиятини ўзгариши (давом эттириши) мумкин.

Бундай ҳолда, Стипендиат мажбурий тартибда Жамғармани ёзма хабардор қиласи. Стипендиат меҳнат фаолиятини олиб бораётган ва келажақда давом эттириши кутилаётган вазирлик, идора ва бошқа давлат ташкилотлари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган ташкилот Жамғармага розилик хатлари билан мурожаат қиласи.

Стипендиатнинг бошқа ташкилотга ўтиши Жамғарма, Стипендиат, амалдаги Иш берувчи ва янги Иш берувчи ўртасида имзоланадиган “4 (тўрт) томонлама шартномага қўшимча келишув” билан расмийлаштирилади.

99. Мониторинг жараёнида иштирокчиларининг мажбуриятлари ва жавобгарликлари қандай бўлади?

Стипендиат белгиланган таълим дастури асосида таълим олгандан сўнг эгаллаган мутахассислиги бўйича Иш берувчида (Жамғарма, Стипендиат, амалдаги Иш берувчи (ёки янги Иш берувчи) ва Кафиллар иштирокида амалдаги 4 (тўрт) томонлама шартномада белгиланган муддатда) тўлиқ бандлик режимида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини олади.

Стипендиат ишлаб бериш мажбуриятини ўзбошимчалик билан бузган ёки тузилган 4 (тўрт) томонлама шартномани бир тарафлама бузган ҳолатлар вужудга келган тақдирда, бироқ ушбу ҳолат Стипендиат томонидан 10 (үн) иш кунидан кечиктирмасдан бартараф этилса, яъни Иш берувчи ташкилотга (бошқа вазирлик, идора ёки давлат ташкилоти) қайта ишга тикланса ва ушбу ҳолат биринчи бор содир этилган бўлса, Стипендиатга Жамғарма томонидан ёзма огоҳлантириш бериш билан чекланиши мумкин.

100. Стипендиат иш фаолияти давомида ташкилоти томонидан хорижий давлатларга малака ошириш, амалиёт ва хизмат сафариға юборилса бўладими?

Стипендиат меҳнат фаолияти ва мониторинг муддати якунлангунга қадар хорижий давлатларга хизмат сафари, конференцияларда иштирок этиш мақсадида хорижий давлатларга чиқиши Иш берувчининг розилиги билан амалга оширилади. Агар Стипендиатнинг хорижий давлатларда бўлиши муддати бир ойдан ортиқ бўлса, унда Жамғармадан ёзма розилик олиниши талаб этилади.

101. Стипендиат томонидан ишлаб бериш мажбурияти тугаллангандан сўнг жамғармага хабар бериш керакми?

Стипендиат томонидан ишлаб бериш мажбурияти тугалланган тақдирда Жамғарма томонидан Стипендиат ёки Иш берувчи сўровномасига асосан Стипендиатнинг ишлаб бериш мажбурияти тугалланганлиги тўғрисидаги маълумотнома берилиши мумкин. Шунингдек, ушбу маълумотнома агарда Стипендиат билан гаров шартномаси имзоланган (ёки бошқа шаклдаги ёзма келишув) бўлса, уни бекор қилиш учун асос бўлади.

БИЗ БИЛАН АЛОҚА

Телефон: (+998) 71 203-14-41; (+998) 71 203-00-47; (+998) 71 203-00-48

Расмий сайт: www.eyuf.uz

Facebook - [eyuf.uz](https://www.facebook.com/elyurtumidifoundation)

Instagram - [elyurtumidifoundation](https://www.instagram.com/elyurtumidifoundation/)

Telegram - [elyurtumidifoundation](https://t.me/elyurtumidifoundation)